



**TOWARDS THE STANDARDIZATION OF THE HERBAL
MEDICINAL SPECIES "BARKHAYOT"**

Komilov X.M.

Professor of Pharmacognosy Department of Tashkent Pharmaceutical
Institute

Ikramova M.Sh.

Associate Professor of Pharmacognosy Department of Tashkent
Pharmaceutical Institute.

Mukhitdinova M.K.

Assistant of the Department of Pharmacognosy, Tashkent
Pharmaceutical Institute.

Abdullaev E.B.

A fourth-year undergraduate student of the Tashkent Pharmaceutical
Institute Faculty of Pharmacy (branch - Clinical pharmacy)

E-mail: mashkura.ikramova@gmail.com

<https://doi.org/10.5281/zenodo.15657011>

ARTICLE INFO

Received: 06th June 2025

Accepted: 12nd June 2025

Online: 13rd June 2025

KEYWORDS

Herbal species,
gastrointestinal diseases,
Glycyrrhiza glabra L.,
Sophora japonica, *Bidens*
tripartita, *Rosa canina*,
Achillea millefolium.

ABSTRACT

Gastrointestinal diseases such as gastritis, colitis, enterocolitis, inflammation, gastric ulcers, and duodenal ulcers are widespread among the population. Various natural and synthetic drugs are used for their treatment. This article presents the results of research on a safe and effective herbal mixture, conditionally named "Barkhayot," developed based on locally sourced medicinal plant materials and intended for long-term use.

**К СТАНДАРТИЗАЦИИ ЛЕКАРСТВЕННОГО РАСТИТЕЛЬНОГО СБОРА
"БАРХАЁТ"**

Комилов Х.М.

Профессор кафедры фармакогнозии, Ташкентский фармацевтический институт
Икрамова М.Ш.

Доцент кафедры фармакогнозии, Ташкентский фармацевтический институт
Мухитдинова М.К.

Ассистент кафедры фармакогнозии, Ташкентский фармацевтический институт
Абдуллаев Э.Б.

Студент 4го курса факультета Фармация, направления - Клиническая фармация,
Ташкентский фармацевтический институт

E-mail: mashkura.ikramova@gmail.com

<https://doi.org/10.5281/zenodo.15657011>

ARTICLE INFO

Received: 06th June 2025

Accepted: 12nd June 2025

Online: 13rd June 2025

KEYWORDS

ABSTRACT

Такие заболевания желудочно-кишечного тракта как гастрит, колит, энтероколит, воспаления, язвы желудка и двенадцатиперстной кишки широко распространены



Лекарственные сборы, заболевания желудочно-кишечного тракта, солодка голая, софора японская, череда, шиповник собачий, тысячелистник таволголистный.

среди населения. Для их лечения используются различные препараты природного и синтетического происхождения. В данной статье представлены результаты исследований безопасного и эффективного сбора, созданного на основе местного лекарственного растительного сырья, условно названного «Бархаёт», предназначенное для длительного применения.

«БАРХАЁТ» ДОРИВОР ЎСИМЛИК ЙИҒМАСИ ВА УНИНГ СТАНДАРТИЗАЦИЯСИГА ДОИР

Комилов Х.М.

Тошкент фармацевтика институти, фармакогнозия кафедраси профессори
Икрамова М.Ш.

Тошкент фармацевтика институти, фармакогнозия кафедраси доценти
Мухитдинова М.К.

Тошкент фармацевтика институти, фармакогнозия кафедраси ассистенти
Абдуллаев Э.Б.

Тошкент фармацевтика институти, Фармация факультети, Клиник фармация
йўналиши 4 босқич талабаси

E-mail: mashkura.ikramova@gmail.com

<https://doi.org/10.5281/zenodo.15657011>

ARTICLE INFO

Received: 06th June 2025

Accepted: 12nd June 2025

Online: 13rd June 2025

KEYWORDS

Доривор йиғма, меъда-ичак касалликлари, қизилмия, Япон софораси, иттиканак, итбурун наматак, тубулғибаргли бўймодарон.

ABSTRACT

Меъда-ичак тизимида учрайдиган гастрит, колит, энтероколит меъда ва ўникки бармоқли ичак яралари, яллиғланиши ва бошқа касалликлар ахоли орасида кенг тарқалган. Уларни даволашда табиий ва синтез йўли билан олинган кўплаб дори воситалари қўлланилади. Ушбу мақолада беморни даволашда, узоқ муддатда истемол қилишга мўлжалланган, самарали таъсир қилувчи, безарар ва арзон бўлган, маҳаллий доривор ўсимликлар асосида ишлаб чиқилган ва шартли равишда «Бархаёт» деб номланган доривор йиғма ва олинган натижалар баён этилган.

Хозирги вақтда юқори нафас йўллари, меда-ичак, жигар, буйрак касалликлари, ёки қандли диабет ва бошқа хасталикларни даволашда одатда алохида у ёки бу доривор ўсимлик хомашёсидан тайёрланган дори воситалари ёки БФҚ лардан фойдаланилади. Шундай беморларни даволашда, энг камида бешти хатто ўндан ортиқ дори воситаларини тавсия қилинади. Бемор агар меҳнат фаолиятини давом этдирадиган бўлса, бир кунда 3 маҳал дори ичиш, иложсиз муаммоларни келтириб чиқаради. Юқоридаги хасталикларни асосий таъсир қилувчи бирикмаларини кимёвий тузилишлари турлича, аммо айрим касалликларни даволашда, асосий таъсир қилувчи бирикмалардан ташқари, ўсимликдаги яна бошқа бирикмалар ҳам, бирга учрайдиган бирикмалар ҳам кўпинча комплекс таъсирини кўрсатиб, касалликни даволашда кўп яхши, ижобий натижалар олиниши мумкин. Шунинг учун бир неча, деярли бир хил

таъсирга эга, аммо турли биофаол моддалар сақлаган доривор ўсимликлардан, илмий асосланган доривор йиғмалар тайёрлаб, сифат-миқдор жихатдан ва фармакологик таъсири ўрганилгандан кейин аниқ бир касаликни даволашга тавсия қилинса мақсадга мувофиқ бўлар эди.




Адабиёт маълумотларига таянган холда, ҳамда тажрибалар натижасига кўра, маъда-ичак яраларини даволаш учун қуйидаги таркиб ва нисбатда олинган шартли равишда “Бархаёт”-деб номланган доривор йиғма тузилди.

Ушбу мақолада “Бархаёт”-йиғмасини тайёрлаш, сифатини белгиловчи сон кўрсаткичларини аниқлаш, ҳамда асосий хисобланган биофаол моддаларни миқдорини аниқлаш натижалари муҳокама қилинган.










“Бархаёт” йиғма таркиби:




1. Қизилмия илдизи 1 қисм
2. Япон софораси гунчаси 2 қисм
3. Иттиканак ер устки қисми 2 қисм
4. Итбурун наматак меваси 3 қисм
5. Тубулғибаргли бўймодарон гули 2 қисм

Йиғма таркибига киритилган хар бир хомашё қуритилиб, алохида майдалангандан кейин диаметри 7 мм бўлган элакдан ўтказилди ва рўйхатдаги нисбатда бир хил кўринишга келгунча аралаштирилди.

№	Ўсимлик номи	Моддалар	Кимёвий тузилиши	Адабиёт
1	<i>Artemisia absinthium</i> L.	Сесквитерпен артебсин		[1]
2	<i>Menthae piperitae</i> L.	Ментол эфир мойи		[2]
3	<i>Glycyrrhiza glabra</i> L.	Глицерризин кислотаси		[3]



4	Polygonum aviculare L.	Авикулярин		[3]
5	Inula Helenium L.	Алантолактон		[4]
6	Hypericum perforatum L.	Нарингенин		[3]
7	Calendula officinalis L.	β-каротин		[1]
8	Hippophae rhamnoides L.	β-каротин		[1]
9	Urtica dioica L.	Витамин К1		[1]
10	Matricaria chamomilla L.	Хамазулен		[1]
11	Plantago major L.	Аукубин		[2]
12	Taraxacum officinale L.	Инулин		[2]

13	<i>Achillea filipendulina</i> Lam.	Кверцетин гликозидл ари		[1]
14	<i>Sophora japonica</i> L.	Рутин		[1]
15	<i>Bidens tripartite</i> L.	Каротин	Каротиноидлар, флавоноидлар	[3]
16	<i>Rosa canina</i> L.	Аскорбин кислотаси		[4]

Меда-ичак ялиғланиши, жигар фаолиятини бузилиши, тери касалликлари, айниқса экзема касаллиги, 2 тип қандли диабет ва бошқа касалликларни даволашда, кўплаб табиий ва систематик дори воситаларини ишлаб чиқарилиши ва тиббиётда қўлланилишига қарамасдан юқорида қайд этилган хасталикларга учраган беморлар борган сари камайиши ўрнига, айрим ҳолларда ҳатто кўпайиш ҳоллари ҳам учраб турибди. Аммо ушбу касалликларни даволашда у ёки бу доривор ўсимликдан фойдаланилгандан кўра, бир хил йўналишда қўлланиладиган ва турли биологик фаол бирикмаларни ўзида сақлайдиган, бир қанча доривор ўсимлик хомашёларидан ташкил топган доривор йиғмаларни қўлланилганда, ижобий натижаларга эришиш имконияти кўпайиши маълум. Республикамизда ушбу касалликларда қўлланиладиган доривор ўсимликлар кенг тарқалган бўлиб, жадвал 1 да келтирилганларидан аччиқ шувоқ, қалампир ялпиз, ширинмия, қушторон, қора андиз, далачай, тирноқгул, икки уйли газанда, мойчечак, чаканда, зубтурум, қоқи ўт ва бошқалардан фойдаланиб, самарали, безарар, арзон йиғмалар яратиш, ҳатто улар асосида олинган қуруқ экстрактлар сақлаган турли дори воситалар ёки БФҚлар олиш мумкин [1]. Шундай илмий-текшириш ишлар ва барча олинган ижобий натижалар асосида, беморларни даволашда қўлланиладиган, дори воситалари арсеналини янада ҳам кенгайтириш имконияти вужудга келар эди.

Доривор ўсимлик хомашёларини танлашда улар таркибидаги асосий биофаол моддаларни ҳам сифат ва миқдорини ҳисобга олиш зарур. Шундай биофаол бирикмаларга хомашё таркибидаги терпеноидлар, сапонинлар, флавоноидлар, сесквитерпенли лактонлар, антрацен унумлари, каротиноидлар, витаминлар, эфир мойлари, полисахаридлар, аччиқ гликозидлар, ва бошқалар сақланиши, бўлажак доривор йиғмалар билан қайдай хасталикларни даволаш мумкинлигини билдиради [5].

Йиғма таркибидаги ҳар бир доривор ўсимликни тури ва миқдори, уларни ўзаро нисбатини фармакологик скрининг тажрибаларига асосланиб олинди. Тйёрланган бир неча йиғмадан, мазкур хасталикни даволашда энг яхши натижа кўрсатгани танлаб олинди. Йиғмани таркибига кирувчи доривор ўсимлик хомашёсини амалдаги МТХ ёки




фармакопея талабларига, барча керакли сон кўрсатгичлари бўйича мос келиши шарт. Шундай хом ашёлар асосида тайёрланган доривор йиғмани чинлиги ва сифатини белгиловчи сон кўрсатгичлари, шу жумладан намлиги, асосий таъсир қилувчи биологик фаол моддалар миқдори, майдаланганлик даражаси, органик ва минерал аралашмалар ва бошқалар аниқланди.

Хулоса: олиб борилган тадқиқотлар натижасида, меда-ичак касаликларида қўллашга мўлжалланган “Бархаёт” доривор йиғмаси Ўзбекистонда захираси етарли бўлган доривор ўсимлик хомашёлари асосида ишлаб чиқилди. Ушбу йиғмани мўтадил таркиби ва нисбати белгиланган. Йиғмани сифатини белгиловчи сон кўрсатгичлари ва сақланиш муддати аниқланган. Ишлаб чиқилган “Бархаёт” йиғмаси меъда-ичак яллиғланишига ижобий таъсир кўрсатиши хайвонларда олиб борилган тажрибалар асосида тасдиқланди.

References:

1. Х.Х.Холматов. Дикорастущие растения Узбекистана “Медицина” УзССР 1964, стр.251,239.
2. Н.З.Акопов. Важнейшие отечественные лекарственные растения и применение. “Медицина” УзССР, Ташкент, стр. 129
3. Г.З.Минеджан. Сборник по народной медицине и нетрадиционным способам лечения. Москва “Техноэкос” 1991 стр. 147
4. А.Я.Ибрагимов. Доривор ва зиравор ўсимликлар. Тошкент 2004, с.42
5. Комилов Х. М., Икрамова М.Ш., Мухитдинова М.К., Атаниязова Л.М. Salix babilonika (l)-мажнунтол ўсимлиги баргини фитокимёвий ўрганиш //Eurasian Journal of Medical and Natural Sciences. – 2024. – Т. 4. – №. 10. – С. 7-15.



**INNOVATIVE
ACADEMY**

№ EJMNS2506-00043

**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI INNOVATSION AKADEMIYA
MAS'ULIYATI CHEKLANGAN JAMIYATI**

DIPLOM

Ushbu diplom «Eurasian Journal of Medical and Natural Sciences» xalqaro ilmiy jurnali (ISSN: 2181-287X) 2025 yil 06-sonida nashr etilgan quyidagi ilmiy maqolaga mualliflik qilganligi uchun berildi:

**«БАРХАЁТ» ДОРИВОР ЎСИМЛИК ЙИҒМАСИ ВА
УНИНГ СТАНДАРТИЗАЦИЯСИГА ДОИР**

Maqola nashr etilgan sana:
Maqola muallif(lar)i:

13.06.2025
Комилов Х.М.

«Innovative
Academy RSC» MChJ



Platforma guvohnoma
raqami: 1205-son

CERTIFICATE

OF PUBLICATION

UIF = 8.3
SJIF = 7.921

This certificate is presented to

Комилов Х.М.

in recognition of the paper publication of
the research paper on Eurasian Journal of
Medical and Natural Sciences (EJMNS) with
the title:

**«БАРХАЁТ» ДОРИВОР ЎСИМЛИК ЙИҒМАСИ ВА УНИНГ
СТАНДАРТИЗАЦИЯСИГА ДОИР**

Vol. 5 No. 06(2025): EJMNS

13.06.2025

DATE



CHIEF EDITOR



Sana: 13.06.2025

MAQOLA INDEKSLANGANI TO'G'RISIDA

МА'ЛУМОТНОМА

Maqola nomi: «БАРХАЁТ» ДОРИВОР ЎСИМЛИК ЙИФМАСИ ВА
УНИНГ СТАНДАРТИЗАЦИЯСИГА ДОИР

Maqola muallif(lar)i: **Комилов Х.М.**

Jurnal nomi: Eurasian Journal of Medical and Natural Sciences

1. Universal impact factor: 8.3

OAK ro'yxatida 43-raqam bilan e'tirof etilgan nufuzli Gruzuya
xalqaro jurnallar ko'rsatkichi

2. Scientific journal impact factor: 7.921

OAK ro'yxatida 23-raqam bilan e'tirof etilgan nufuzli xalqaro
jurnallar ko'rsatkichi

3. Citefactor:

OAK ro'yxatida 16-raqam bilan e'tirof etilgan nufuzli xalqaro
jurnallar ko'rsatkichi

4. Crossref

OAK ro'yxatida 35-raqam bilan e'tirof etilgan nufuzli
xalqaro jurnallar ko'rsatkichi

5. Directory of Research Journals Indexing:

OAK ro'yxatida 15-raqam bilan e'tirof etilgan nufuzli xalqaro
ilmiy baza bo'lib, 135 davlatda keng qo'llaniladi.

6. Scientific Indexing Service:

OAK ro'yxatida 19-raqam bilan e'tirof etilgan nufuzli xalqaro
ilmiy baza

7. IJIFACTOR Indexing:

Hindistonning nufuzli jurnallar ko'rsatkichi aks etgan xalqaro
ilmiy platformasi

8. Internet Archive:

Yevropa ilmiy platformasi bo'lib, 100 ga yaqin davlatlarda
keng foydalaniladi.

9. Base Search:

Germaniya ochiq siyosat tizimiga asoslangan nufuzli xalqaro
jurnallar qidiruv platformasi

10. Zenodo:

Yevropa ochiq ma'lumotlar tizimiga asoslangan xalqaro ilmiy
bazasi

11. Open Aire:

35 dan ortiq mamlakatda keng qo'llaniladigan Yevropa ilmiy
platformasi

12. Google Scholar:

Olimlar h-indeks va iqtibosligini ko'rsatuvchi asosiy ilmiy
baza hisoblanib, 200 dan ortiq davlatda foydalaniladi.

13. DOI: Maqolaning unikal raqamli identifikatori

14. Open Access: Jurnallar ochiq siyosat tizimi



МА'ЛУМОТНОМА



Jurnal guvohnomasi
Tekshirish uchun
parol: 0889

